

ҲИСОР ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИ ХУДУДИ КАРАБИДОФАУНАСИ

Халимов Ф.З.

(СамДУ)

Суннатуллаев А.

(СамДУ 2-курс магистрант)

***Аннотация.** Ўзбекистоннинг энг йирик Ҳисор давлат қўриқхонасида умуртқасиз ҳайвонларнинг хилма-хиллиги деярли ўрганилмаган. Мақолада қўриқхона ҳудудида турқалган визилдоқ қўнғизлар фаунаси таҳлил қилинган ва уларнинг таксономик ҳолати ўрганилган. Визилдоқ қўнғизларнинг 32 тури қўриқхона ҳудуди учун илк мартаба қайд қилинган.*

***Калит сўзлар.** Ҳисор қўриқхонаси, карабидофауна, Harpalinae, Trechinae, Carabinae.*

***Аннотация.** Гиссарский государственный заповедник является самым крупным по территории заповедником Узбекистана, фауна беспозвоночных животных заповедника почти не изучена. В статье анализируется фауна жуужелиц заповедника, а также изучена их таксономический состав. 32 видов жуужелиц впервые зарегистрирован на территории заповедника и приводятся их список.*

***Ключевые слова.** Гиссарский заповедник, карабидофауна, Harpalinae, Trechinae, Carabinae.*

***Annotation.** The diversity of invertebrates in the largest Hisar State Reserve of Uzbekistan is almost unexplored. In the article, the fauna of weevils living in the territory of the reserve is analyzed and their taxonomic status is studied. 32 species of weevil beetles were recorded for the first time in the territory of the reserve.*

***Keywords.** Gissar nature reserve, carabid fauna, Harpalinae, Trechinae, Carabinae.*

Кириш. Ҳисор давлат кўриқхонаси 1983 йилда Қизилсув ва Мираки кўриқхоналарининг қўшилиши натижасида барпо этилган бўлиб, Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилоятида жойлашган. У Фарбий Ҳисор тоғининг юқори минтақалари табиий комплексларини бирлаштиради. Кўриқхона денгиз сатҳидан 1750-4349 м баландликда жойлашган бўлиб, майдони тахминан 80986 га ни ташкил этади ва Ўзбекистондаги энг катта кўриқхона ҳисобланади [1].

А.В.Крейцберг томонидан кўриқхона ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар натижасида (1993-1996) ҳашаротларнинг 20 туркум, 143 оилага мансуб 950 тури аниқланган. Муаллифнинг баҳолашига кўра бу ердаги ҳашаротлар хилма-хиллиги 3000 дан ортиқ бўлиши мумкин [2].


Тадқиқот услублари. Тадқиқотлар **2021-2022 йил апрел-май-июн** ойлари давомида олиб борилди. Визилдоқ кўнғизлар қўл билан териш ва банка тутқичлар ёрдамида йиғилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотлар давомида визилдоқ кўнғизларнинг 1000 дан ортиқ нусхадаги намуналари йиғилди. Уларнинг 7 та кенжа оила, 15 та триба ва 28 авлодга мансуб 57 та тури аниқланди.


Аниқланган турлар 28 та авлодга мансуб бўлиб, турларининг хилма-хиллиги бўйича *Harpalus* (6 тур), *Bembidion* (5 тур), *Chlaenius*, *Carabus*, *Poecilus*, *Pterostichus* (4 тадан тур) авлодлари етакчилик қилади. Бу 6 та авлод вакиллари барча визилдоқ кўнғизлар турларининг 47,4% ини ташкил этади.

Карабидофаунада турли кенжа оилалар ва трибаларнинг ҳиссаси 1- ва 2-расмларда тасвирланган. Аниқланган барча турларнинг 65 %и (37 тур) *Harpalinae* кенжа оиласи вакиллари дир. *Trechinae* ва *Carabinae* кенжа оилалари, мос равишда, 12% ва 9% ни ташкил этади. Трибалар орасида турларнинг хилма-хиллиги бўйича *Harpalini* (15 тур, 26%) ва *Pterostichini* (9 тур, 16%) трибалари етакчилик қилади.

Тадқиқотлар давомида энг кам нусхада топилган тур *Carabus staudingeri* бўлиб, бу тур популяциясининг ҳолатини баҳолаш талаб этилади.



Расм 1. Карабидофаунада турли кенжа оилаларнинг хиссаси.



2-расм. Карабидофаунада турли трибаларнинг хиссаси.

Тадқиқотларда 17 та авлодга мансуб 32 та тур Ҳисор кўрикхонасида илк бор қайд қилинди. Булар: *Harpalus griseus*, *H. distinguendus*, *H. tenebrosus*, *H. pulvinatus*, *Stenolophus abdominalis persicus*, *Chlaenius flavicornis*, *Ch. extensus*, *Ch. tenuilimbatus*, *Ch. semicyaneus*, *Apristus sp.*, *Poecilus cupreus*, *P. liosomus*, *P. longiventris*, *P. sp.*, *Pterostichus niger*, *P. stricticollis*, *Amara ovata*, *A. aenea*, *A. similata*, *Calathus ambiguous*, *C. melanocephalus*, *Nebria psammophila*,

Brachinus explodens, Mastax thermarum, Scarites terricola, Clivina collaris, Bembidion saxatile flavipalpe, B. kirgisorum, B. distinguendum rupestroides, Tachyura angusticollis, Tachys micros, Carabus staudingeri.

Хулоса. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, аниқланган турлардан *Narpalus, Bembidion, Chlaenius, Carabus, Poecilus, Pterostichus* авлодлари вакиллари кўп учраши маълум бўлди. Тадқиқотларни давом эттириши орқали қўриқхона учун янги бўлган турларни аниқлашимиз мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Заповедники Средней Азии и Казахстана (под общей редакцией Р.В.Яценко). Охраняемые природные территории Средней Азии и Казахстана, вып.1-Тетис, Алматы, 2006. — 352 с.

2. Крейцберг А.В.-А. Обзор состояния и функционирования основных энтомокомплексов Гиссарского заповедника // Состояние и перспективы сети охраняемых территорий в Центральной Азии. - Труды заповедников Узбекистана. Вып. 4-5. - Ташкент, 2004. - С. 259-272.

3. Крыжановский О.Л. 1965. Состав и происхождение наземной фауны Средней Азии (главным образом на материале по жесткокрылым). Москва - Ленинград, Наука, 430 с.

4. Михайлов В.А. Жуки-жужелицы (Coleoptera, Carabidae) юго-востока Средней Азии (фауна, экология, значения в биоценозах). Автореферат диссертации на соиск. ученой степени доктора биол. наук. - Ленинград, 1998, 35 с.

5. Михайлов В.А. Систематический список жужелиц (Carabidae) Таджикистана (с данными по ареалам в регионе и зоогеографии). <https://www.zin.ru/animalia/coleoptera/rus/cartadzh.htm>. (Мурожат вақти 12.03.2021).